



**“ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИДА ПРОФИЛАКТИКА
ИНСПЕКТОРИ: МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
МЕХАНИЗМИ ВА АМАЛИЁТИ”**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-ўқув курси 313-гуруҳ курсанти
Тўлашбоева Донохон Бахтиёр қизи*

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Давлат-ҳуқуқий фанлар ва инсон
ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси ўқитувчиси, майор
Нигматов Шерзод Ниматжонович*

Аннотация

Ушбу мақолада профилактика инспекторининг процессуал мажбурлов чораларини қўллаш фаолиятининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари, шунингдек Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлашда ушбу жараённинг аҳамияти ёритиб берилган. Маъмурий ва жиноий мажбурлов чоралари ўртасидаги назарий фарқлар, уларнинг қўлланиш тартиби, мутаносиблик принципи ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари илмий таҳлил қилинган. Мақолада 2021 йилда қабул қилинган Жамоат хавфсизлиги концепцияси, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонун, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Жиноят-процессуал кодекс ва «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонун асосида профилактика инспекторининг роли ва ваколатлари атрофлича ёритилган. Шунингдек, профилактика фаолиятини рақамлаштириш, маъмурий процессуал мажбурлов чораларини қонуний қўллаш, ҳужжатлаштириш ва суд назоратини таъминлаш каби масалаларнинг замонавий ечимлари ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижалари профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлигини



ошириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Калит сўзлар

Профилактика инспектори, процессуал мажбурлов чоралари, маъмурий мажбурлаш, жиноий мажбурлов, жамоат хавфсизлиги, профилактика ҳисобга олиш, маъмурий назорат, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, Конституция, ЖПК, МЖтК, маъмурий тартиб-таомиллар, мутаносиблик принципи, рақамлаштириш, ҳуқуқий кафолатлар.

Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири – маъмурий ва процессуал мажбурлов чораларини қўллаш механизмларини такомиллаштиришдан иборатдир. Ҳозирги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, айниқса профилактика инспекторларининг ваколатлари, мажбурлов чораларини қўллашда қонунийлик, мутаносиблик ва инсонпарварлик тамойилларига риоя этиш даражаси жамият хавфсизлигининг асосий кафолатларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳририда (2023) инсон қадр-қиммати, эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқларининг устуворлиги алоҳида белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонун, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонун, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят-процессуал кодексда белгиланган нормалар профилактика инспекторининг процессуал мажбурлов чораларини қонуний ва тизимли қўллашининг ҳуқуқий асосини ташкил этади.



Президентнинг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ–27-сон Фармони билан тасдиқланган Жамоат хавфсизлиги концепцияси ва 2022–2025 йилларга мўлжалланган стратегия мамлакатда жамоат хавфсизлигининг янги моделини шакллантириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида рақамли технологиялардан фойдаланиш ва профилактика инспекторлари фаолиятининг самарадорлигини оширишни назарда тутди. Ушбу ислохотлар профилактика инспекторининг ҳуқуқий мақоми ва вазифаларини замонавий талабларга мос ҳолда қайта кўриб чиқишни, хусусан процессуал мажбурлов чораларини тўғри ва мақсадга мувофиқ қўллашни талаб этмоқда. Маъмурий ва жиноий мажбурлов чораларининг моҳияти, уларнинг ўзаро фарқи, қўлланилишидаги ҳуқуқий кафолатлар ҳамда амалдаги муаммолар илмий адабиётларда кенг ёритилган бўлса-да, профилактика инспекторлари фаолияти мисолида процессуал мажбурлов чораларини қўллашнинг алоҳида жиҳатлари етарлича тадқиқ этилмаган. Айниқса, мажбурлов чораларини амалга оширишда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, рақамли технологиялардан фойдаланиш, профилактик ҳисобга олиш ва маъмурий назоратни такомиллаштириш механизми бугунги кунда долзарб масала ҳисобланади. Шу муносабат билан ушбу илмий мақола профилактика инспекторининг процессуал мажбурлов чораларини қўллаш фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий ва рақамли асосларда таҳлил қилиш, амалиётдаги камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган. Мақолада маъмурий ва жиноий мажбурлов чораларининг назарий асослари, хорижий тажриба, миллий қонунчиликдаги ўзига хосликлар ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида профилактика инспектори ролининг ортиб бораётгани илмий асосда тадқиқ этилади. Мажбурлаш – ижро ҳокимият субъектлари томонидан ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлар учун мажбур этиш чораларини қўллашдир. Мажбурлаш усулининг чоралари интизомий, моддий, маъмурий ёки жиноий жавобгарлик чоралари сифатида намоён бўлади, яъни



бошқарув субъектининг иродасини бошқарилувчининг ихтиёрига хилоф тарзда қарор топтиришдан иборат. Бошқарув объекти бошқарув субъектининг иродасини бажармаган тақдирда, унинг иродасини ўзгартириш, яъни бошқарув субъектининг иродаси (буйруқ, кўрсатма, қарори)га бўйсундириш мақсадида, бошқарув субъекти бошқарув объектига рухий, моддий, ташкилий ва жисмоний таъсир кўрсатади. Мажбурлаш чоралари муайян шахснинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракати учун таъсир чорасини қўллашни назарда тутиши ёки айрим ҳолларда ҳуқуқий-тартибот, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бўлиши мумкин. Юридик адабиётларда “маъмурий мажбурлаш” атамасининг талқинига оид бир қанча ёндашувларни учратиш мумкин. Маъмурий мажбурлашга, энг аввало, маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан мустаҳкамланган ҳуқуқий мажбурловнинг соҳавий тури сифатида қаралади. Ҳуқуқий тизимнинг алоҳида тармоғи сифатида маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш предмети нуқтаи назаридан маъмурий мажбурлаш давлат бошқарувини амалга оширишда жорий этилади. Маъмурий мажбурлаш чораларини маъмурий қонунчиликда мустаҳкамланганлигини инобатга олган ҳолда, ушбу мажбурлов турини тартибга солувчи нормалар маъмурий ҳуқуқнинг мустақил ҳуқуқий институти маъмурий-ҳуқуқий мажбурлов институти сифатида ҳам эътироф этилади¹. Шу ўринда маъмурий-ҳуқуқий мажбурлаш билан маъмурий мажбурлаш тушунчаларини бирбиридан фарқлаш мумкин. Бу тушунчалар ўртасидаги фарқларнинг юзага келишига, “маъмурий мажбурлаш” атамасининг ҳуқуқий асослари, қўллаш тартиби ва субъектлари нуқтаи назаридан талқин қилинишида турли ёндашувларнинг мавжудлиги сабаб бўлмоқда. Маъмурий мажбурлаш билан маъмурий-ҳуқуқий мажбурлаш ўртасидаги фарқ хусусида рус олими Бахрах Д.Н. фикр юритиб, маъмурий-ҳуқуқий мажбурлаш –

¹ Қаранг: Бахрах Д.Н. Административное право России: Учебник для вузов. М., 2000. – С. 444-445.



хукукка хилоф хатти-ҳаракат содир этилиши муносабати билан маъмурий хукук нормаларида белгиланган мажбурлаш чораларини функционал ҳокимият субъектлари томонидан қўлланиладиган давлат мажбурловининг алоҳида туридир” деб қайд этади². Ушбу тушунчада у маъмурий-хукукий мажбурлов субъекти сифатида “функционал ҳокимият”ни кўрсатиб, фақат давлат органларигина маъмурий мажбурлаш субъекти бўла олиши мумкин деган фикрни илгари сурган.

Маъмурий профилактика чоралари тушунчасининг таърифини шакллантиришда кўплаб муаллифлар уларни қўллаш мақсадларини аниқ ажратиб кўрсатадилар. А.Е.Лунев маъмурий огоҳлантириш чоралари хукукбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг жамият олдидаги хукукий ва бошқа мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаш истагини бартараф этиш, табиий офатлар оқибатларининг олдини олиш, бундай оқибатларнинг тарқалишини маҳаллийлаштириш чораларини кўриш орқали жамият хавфсизлигини таъминлашга қаратилган, шунингдек, уларга қарши кураш деб ҳисоблайди³. А.В.Мелехин эса маъмурий огоҳлантириш чораларини қўллашдан мақсад эҳтимолий хукукбузарликларнинг олдини олиш, шунингдек, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи бошқа ҳодисаларнинг олдини олишдан иборат деб ҳисоблаб, худди шундай позицияни тутди; уларнинг оқибатларини бартараф этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш⁴. А.В.Серегиннинг таъкидлашича, маъмурий-профилактика чоратадбирлари инсон ҳаёти ва соғлиғини, жамоат ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, хукукбузарликларнинг олдини олиш зарурати туфайли шахс томонидан содир этилган аниқ хукукбузарлик

² Словарь административного права // Муаллифлар жамоаси. – М., 1999. – С. 25.

³ Қаранг: Советское административное право. Методы и формы государственного управления / под ред. Ю.М. Козлова, Б.М. Лазарева, А.Е. Лунева, М.И. Пискотина. М.: Юрид. лит., 1977. С. 121.

⁴ Қаранг: Мелехин А.В. Административное право Российской Федерации: учебник. М.: Московская финансово-промышленная академия, 2011. С. 301.



бўлмаганда амалга оширилади⁵. А.П.Ключниченко ушбу турдаги маъмурий мажбурлов чораларининг асосий белгиси сифатида уларнинг аник белгиланган профилактика хусусиятларини кўрсатади, яъни агар жамият манфаатлари маълум бир тахдид остида қолса, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, алоҳида ҳолатларда жамият хавфсизлигини таъминлаш учун маъмурий-ҳуқуқий таъсир кўрсатиш воситаларидан фойдаланишга имкон беради⁶. И.Е.Бочкаревнинг таъкидлашича, маъмурий огоҳлантириш чоралари – бу ваколатли шахсларнинг маъмурий-ҳуқуқий нормалар тасарруфида назарда тутилган, қонунда белгиланган ҳолатлар юзага келганда амалга ошириладиган, ҳуқуқбузарликларнинг объектив равишда ноқонуний характердаги хаттиҳаракатларнинг олдини олиш, уларнинг салбий оқибатларининг олдини олиш, шунингдек, шахсий хавфсизлик ёки давлат ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик шахслар ва жамоат бирлашмаларининг нормал фаолиятига тахдид соладиган вазиятларнинг олдини олиш билан боғлиқ маълум бир дмаъмурий процессуал тартиб асосида амалга ошириладиган операциялари ва ҳаракатларидир⁷. А.П.Кореневнинг таърифини ҳам таъкидлаш мумкин, унга кўра маъмурий профилактика чоралари сифатида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг зарарли оқибатларини олдини олиш воситалари ва усулларини, шунингдек, одамларнинг ҳаёти ва шахсий хавфсизлигига, давлат органлари ва юридик шахсларнинг нормал фаолиятига тахдид солувчи омилларнинг пайдо бўлишини ҳисобга олиш керак⁸. Юқоридаги муаалифлар ва тадқиқотчи

⁵ Қаранг: Серёгин А.В. Советский общественный порядок и административноправовые средства его укрепления: учебное пособие. М.: Изд-во Академии МВД СССР, 1975. С. 45.

⁶ Қаранг: Ключниченко А.П. Меры административного принуждения, применяемые милицией. Понятие. Классификация. Системовыражение: учебное пособие. Киев: Киевская ВШ МВД СССР, 1975. С. 51.

⁷ Қаранг: Бочкарев И.Е. Административно-предупредительные меры, применяемые милицией (по материалам органов внутренних дел Нижегородской области): дис. ... канд. юрид. наук. М., 2001. С. 45-46.

⁸ Қаранг: Коренев А.П. Административное право России: учебник. В 3-х частях. Часть 1. М.: Щит-М, 1999. С. 199.



олимларнинг фикрларидан келиб чиқиб, маъмурий ва жиноий мажбурлов чораларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Маъмурий мажбурлаш – бу давлат бошқаруви жараёнида маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартиби ва хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳолатларни бартараф этиш ҳамда айбдорларни маъмурий жавобгарликка тортиш мақсадида кишиларнинг онгига ва хулқига руҳий, моддий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш усулидир. Шундай қилиб, маъмурий мажбурлаш тушунчасига оид келтирилган фикрларни умумлаштириб, давлат мажбурловининг таркибий қисми ҳисоблаган маъмурий мажбурлашнинг қуйидаги хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Жиноий ва маъмурий мажбурлов чоралари — бу давлатнинг жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қўллайдиган қонуний куч ишлатиш механизмларидир. Уларнинг аҳамияти ҳуқуқ устуворлиги, адолат ва жамият хавфсизлигини таъминлашдадир. Ўзбекистонда бу чоралар Янги таҳрирдаги Конституция (27–31, 130-моддалар), Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик кодекси ва Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳозирги кундаги ҳукуматдаги ҳуқуқий ислохотлар билан тартибга солинади. Давлатимизда қонун устуворлигини таъминлашда инсон кадр-қимматининг юқори даражага қўйилиши муҳим ўрин эгаллайди. Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, мазкур фаолиятни айниқса жиноят процесси соҳасида амалга ошириш асосий эътибор талаб қиладиган омил ҳисобланади. Шу аснода, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олинishi, ушлаб турилиши, қамоққа олинishi, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. “Хабеас корпус” институтининг Ўзбекистон Республикаси жиноят процессига



босқичма-босқич жорий қилиниши эса судга қадариш юритишда фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини, улардан суд қарорисиз маҳрум қилишгаёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслигини мустаҳкамловчи конституциявий принципни тўлиқ амалга ошириш имконини беради⁹.у модда маъмурий ва жиноий мажбурловнинг энг биринчи босқичи – ушлаш (маъмурий ҳибсга олиш ёки жиноий тергов доирасида қўлга олиш) учун асосий ҳимоя механизмини белгилайди. Давлат органлари (милиция, прокурор, суд) шахсни эркинликдан маҳрум қилишдан олдин унинг ҳуқуқларини очик тушунтириши шарт. Агар бу тартиб бузилса, ушлаш ноқонуний деб топилади ва шахс озод қилиниши, жарима ёки компенсация талаб қилиниши мумкин. Бу мажбурлов чораларининг қонунийлиги ва шаффофлигини таъминлайди. 130-моддада одил судлов фақат суд томонидан олиб борилиши белгиланган бўлиб, Ўзбекистонда одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади, Маъмурий (давлат органи қарорига шикоят) ва жиноий (айбсизлик, айбдорлик) мажбурлов чоралари фақат суд орқали амалга оширилади. Бу дегани давлат органи (милиция, солиқ идораси) ўзи жазо қарори чиқара олмайди – фақат суд қарори билан. Маъмурий жарима, ҳибсга олиш, мол-мулкни мусодара қилиш – барчаси суд назоратида. Бу модда мажбурловнинг мустақил ва одил бўлишини кафолатлайди. Ўзбекистон Конституцияси маъмурий ва жиноий мажбурлов чораларини чеклаш, шаффофлаштириш ва одиллаштиришнинг асосий кафолатидир. У давлатнинг куч ишлатиш ҳуқуқини фуқаро ҳуқуқлари билан мутаносиб қилади. Бу моддалар Маъмурий жавобгарлик кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва бошқа қонунларнинг конституциявий асоси ҳисобланади.

⁹ <https://journal-web.uz/index.php/07/article/view/803/761>



Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 8 январь куни «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонунни имзолади. "Маъмурий иш юритишда жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган таъсир чоралари маъмурий орган томонидан кўзланган қонуний мақсадга эришиш учун мос ва етарли бўлиши ҳамда манфаатдор шахсларга имкон қадар қийинчилик туғдирмаслиги керак". Бу жиноий мажбурлов (тергов, ушлаш) ва маъмурий чоралар (жарима, ҳибс) учун ҳам қўлланилади. Президент бунини "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги Қонунни имзолаш орқали қўллаб-қувватлади. Шунингдек мазкур қонун билан мутаносиблик принципини жорий этиш илгари сурилган. Давлат ҳокимияти органларининг фаолияти турли усулларни қўллаш орқали амалга оширилади, улардан бири маъмурий мажбурлов усулидир. Маъмурий-ҳуқуқий нормаларга асосан, маъмурий мажбурлов усули инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга, давлатда қонунийлик ва ҳуқуқ тартибини таъминлашга имкон беради¹⁰.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони¹¹ билан тасдиқланган Жамоат хавфсизлиги концепцияси (1-илова) ва 2022–2025 йилларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси (2-илова) жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этишга қаратилган. Ушбу ҳужжатлар профилактика инспекторининг процессуал мажбурлов чораларини (маъмурий байоннома тузиш, огоҳлантириш, жарима, маъмурий қамоқ, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, чекловлар ўрнатиш, электрон назорат, мажбурий жамоат ишлари ва бошқалар) қўллаш фаолиятини қонуний, услубий, илмий, ташкилий ва рақамлаштитиш жиҳатдан

¹⁰ Богів Я. С. Адміністративного змушення у діяльності органів державного управління //наукові записки львівського університету бізнесу та права. – 2022. – Вип. 32. – №. 1. – С. 326-331.

¹¹ <https://lex.uz/docs/5749291>



мустаҳкамлайди. Бу эса профилактика инспекторларининг ролини мустақил, самарали ва қонун устуворлигига асосланган субъектга айлантиради.

Маъмурий мажбурлов — маъмурий субъект томонидан маъмурий мақсадга эришиш учун маъмурий объектнинг мулки, жисми ва эркинлигига нисбатан қўлланиладиган мажбурий чоралардир¹². Шунингдек Маъмурий мажбурий чоралар — маъмурий орган томонидан маъмурий бошқарув жараёнида қонунга мувофиқ равишда ноқонуний хатти-ҳаракатларни тўхтатиш, далилларнинг йўқ қилинишининг олдини олиш, хавф-хатарнинг олдини олиш ва хавфнинг кенгайишини назорат қилиш мақсадида фуқароларнинг шахсий эркинлигини вақтинчалик чеклаш ёки фуқаролар, юридик шахслар ёки бошқа ташкилотларнинг мулкани вақтинчалик назоратга олиш хатти-ҳаракатидир» деб белгиланган¹³. Маъмурий процессуал мажбурлов чораси — бу Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (МЖТК) доирасида, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритиш жараёнида қўлланиладиган вақтинчалик, мажбурий таъсир чоралари бўлиб, улар ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, айбдорнинг ҳозир бўлишини таъминлаш, далилларнинг йўқолишининг олдини олиш, ишнинг тўғри ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида қўлланилади. Маъмурий процессуал мажбурлов чораси — бу ишни юритиш жараёнидаги вақтинча мажбурий чора бўлиб, айбдорлик аниқлангунигача қўлланилади. У профилактика инспектори томонидан МЖТК 258-моддага мувофиқ, протокол билан расмийлаштирилади.

Маъмурий жазонинг асосий мақсади — ҳуқуқбузарни тарбиялаш ва янги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Профилактика инспектори ҳуқуқбузарлик содир этган шахс билан индивидуал профилактик иш олиб

¹² Jiang Ming'an Administrative Law and Administrative Procedural Law [M], Beijing: Peking University Press, Higher Education Press, 2003

¹³ file:///C:/Users/USER/Downloads/12070.pdf//



боради, уларнинг шахси, мулкый аҳволи, оилавий шароитларини ўрганади. Профилактика инспекторлари процессуал мажбурлов чораларини қўллашдаги ваколатлари сифатида МЖТКнинг 281-моддага асосан, ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг ижросини назорат қилиш — ички ишлар органларининг пробация бўлинмалари (профилактика инспекторлари) зиммасида. Улар жамоат ишларининг турлари ва жойларини белгилайди, укукбузарнинг иш жойига боришини назорат қилади. Бўйин товлаш ҳолатларини аниқлаб, судга материаллар юборади (маъмурий қамоқ ёки жаримага алмаштириш учун), Шунингдек Профилактика инспектори ижтимоий адолат ва инсонпарварлик тамойилларини амалга ошириб, МЖТКнинг 281-моддада кўрсатилганидек, жамоат ишлари пенсиячилар, ногиронлар, ҳомиладор аёллар, ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди. Профилактика инспектори ушбу тоифаларни аниқлаш ва уларга нисбатан жазони алмаштириш (масалан, жаримага) таклифини беради. 291-моддага мувофиқ, чет эл фуқароларини чиқариб юборишда алимент мажбурияти борларни ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни¹⁴ 4-боб 18–20-моддалари профилактика инспектори фаолиятининг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Ушбу моддалар инспекторга шахсларни ушлаб туриш, ҳудудни тўсиб қўйиш ва транспортдан мажбурий фойдаланиш каби мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқини беради. Бу эса маҳалла хавфсизлигини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, рецидивни камайтириш ҳамда фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Қонуннинг 18-моддасида шахсларни ушлаб туриш асослари ва тартиби белгиланган бўлиб, Профилактика инспектори учун аҳамияти шундаки бу модда профилактика инспекторига ҳудудий жамоат тартибини сақлашда фаол иштирок этиш имконини беради. Масалан аниқ яшаш жойи йўқ

¹⁴ <https://lex.uz/docs/3027843/> Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни



шахсларни ушлаб туриб, кейинчалик реабилитация марказига жойлаштириш — бу кўча жиноятчилиги ва ижтимоий хавфнинг олдини олиш демакдир. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганларни (масалан, майда безорилик, алкоголь ҳолатидаги тартибсизлик) ушлаб туриш — ҳудуддаги профилактик назоратни кучайтириш ва рецидивнинг олдини олишга хизмат қилади, ёки вояга етмаганларни ушлаб турганда ота-онасига дарҳол хабар бериш, бу билан оила билан ҳамкорлик таъминланиб, бу эса профилактика инспекторининг ёшлар билан ишлашдаги асосий вазифасидир.

Процессуал мажбурлов чоралари – бу ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва тўлиқ текшируви учун вақтинча қўлланиладиган чоралар (масалан, қамокқа олиш, жарима), улар фақат қонунда белгиланган тартибда ва органларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади. Кодекс 7-моддасига кўра Профилактика инспектори маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ички ишлар органлари ва болалар масалалари бўйича комиссиялар билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни таъминлайди. Унинг фаолияти қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини мувофиқлаштиришга йўналтирилган. Масалан, инспектор ҳуқуқбузарликка мойил шахслар билан профилактика суҳбатлари ўтказади, ҳолатларни кузатиб боради ва такрорий ҳолатларнинг олдини олади. Бу босқичда мажбурлов чоралари тўғридан-тўғри қўлланилмайди, лекин инспектор ҳуқуқбузарлик шубҳаси пайдо бўлганда, ишни юритишни бошлаш учун асосий маълумотлар йиғади (8-модда). Мажбурлов чоралари фақат ҳуқуқбузарлик аниқлангандан сўнг (23-модда) қўлланилади. Амалий мисол: Вояга етмаганлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда инспектор болалар масалалари комиссияси билан биргаликда тушунтириш чораларини кўради, бу эса кейинги босқичда мажбурлов чораларининг заруратини камайтиради.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси¹⁵нинг 26–28-боблари (213–243-моддалар) процессуал мажбурлов чоралари (ушлаб туриш, қамокқа олиш, уй қамоғи, гаров, тилхат, кафиллик, электрон назорат ва бошқалар)нинг қўлланилишини тартибга солади. Ушбу чоралар жиноят процесси доирасида, яъни жиноят иши қўзғатилгандан кейин гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан қўлланилади. Бу чоралар маъмурий мажбурлов чоралари (маъмурий байоннома, огоҳлантириш, жарима, маъмурий қамок, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, чекловлар ўрнатиш, электрон назорат, мажбурий жамоат ишлари)дан мақсад, асос, субъект, муддат, тартиб ва ҳуқуқий оқибатлар жиҳатидан тубдан фарқ қилади. Профилактика инспектори ушбу процессуал чораларни фақат қонунда белгиланган ҳолларда (масалан, 221, 224-моддалар бўйича ушлаб туриш) қўллашга ҳақли бўлиб, бу унинг фаолиятини қонунийлик, мутаносиблик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш принципларига асослантиради. Профилактика инспекторининг процессуал мажбурлов чораларини қўллашдаги роли ва чекловлари аҳамияти шундаки унинг фақат ушлаб туришда ваколатида бўлиб, ЖПК 222-моддасига кўра профилактика инспектори (ИИВ ходими сифатида) жиноят устида ёки яққол излар топилганда (221-модда) шахсни ушлаб, яқин ИИОга олиб келишга ҳақли. Шунингдек процессуал тартибга қатъий риоя қилишда ҳам ЖПК 224-моддаси тартибида ўзини таништириш, ҳужжат кўрсатиш, гумонни маълум қилиши ҳуқуқларни (адвокат, қариндошларга хабар, кўрсатувдан воз кечиш) тушунтириши, видеоёзувга олиши (мажбурий, истисно ҳолларда — кейинчалик), баённома тузиши (225-модда) мумкин, фарқи шундаки маъмурий байонномада видеоёзув талаб қилинмайди, ҳимоячи иштироки шарт эмас. Жиноят-процессуал мажбурлов деганда, жиноят

¹⁵ <https://lex.uz/docs/111460/> Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси



процессининг вазифалари самарали рўёбга чиқарилишини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга таҳдид туғдирувчи ноқонуний қилмишларнинг олдини олиш мақсадида, қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлганда ва белгиланган тартибда ваколатли субъектлар томонидан жиноят процессининг иштирокчиларига нисбатан қўлланиладиган шахсий, мулкӣ ва ташкилий тавсифдаги ҳуқуқӣ чекловлар кўринишидаги давлатнинг таъсир чоралари йиғиндиси тушунилади¹⁶.

Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонун¹⁷ профилактика инспекторининг процессуал мажбурлов чораларини қўллаш фаолиятини такомиллаштиришда тутган ўрни ва аҳамияти шундаки Қонуни (ЎРҚ-371-сон, 14.05.2014 йил) ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасининг тизимли ташкил этилишини таъминлайдиган муҳим ҳужжат бўлиб, унда профилактика фаолиятининг турлари, органлари ва чора-тадбирлари аниқ белгиланган. Ушбу қонунда "Профилактика инспектори" термини тўғридан-тўғри ишлатилмаса-да, ички ишлар органларининг ваколатлари (10-модда) ва яқка тартибдаги профилактика чора-тадбирлари (29, 40, 41-моддалар) доирасида профилактик ҳисобга олиш, маъмурий назорат ва бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллаш билан шуғулланувчи масъул шахслар (ички ишлар органларининг профилактика бўлинмалари ходимлари, жумладан, профилактика инспекторлари) назарда тутилган. Қонуннинг ушбу элементлари профилактика инспекторининг ролини амалга ошириш асоси сифатида хизмат қилади.

¹⁶ <https://journal-web.uz/index.php/07/article/view/803/761>

¹⁷ <https://lex.uz/docs/2387357//> О'zbekiston Respublikasining "Huquqbuzarliklar profilaktikasi to'g'risida"gi Qonuniga (ЎРҚ-371-сон, 14.05.2014)



Профилактика инспектори мазкур қонун доирасида ички ишлар органлари тизимидаги асосий ижрочи ҳамда координацион фигура сифатида фаолият юритади. Унинг ўрни қуйидагилар билан ифодаланади:

-Якка тартибдаги профилактикани ташкил этиш: 28-моддага кўра, якка тартибдаги профилактика ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар (илгари судланганлар, вояга етмаганлар, ҳисобда турганлар) билан индивидуал ишлашни ўз ичига олади. Инспектор профилактик суҳбатлар (30-модда), расмий огоҳлантиришлар (31-модда) ва ижтимоий реабилитация чораларини (33-модда) амалга оширади. онуннинг 29-моддасида белгиланган чора-тадбирлардан (профилактик ҳисобга олиш, мажбурий даволаниш, маъмурий назорат) инспектор тўғридан-тўғри иштирок этади.

-Процессуал мажбурлов чораларини қўллаш: Қонуннинг 29-моддасида белгиланган чора-тадбирлардан (профилактик ҳисобга олиш, мажбурий даволаниш, маъмурий назорат) инспектор тўғридан-тўғри иштирок этади.

-Профилактик ҳисобга олиш (34-39-моддалар): Инспектор шахсни ҳисобга қўйиш (36-модда), муддатни белгилаш ва чиқариш (38-39-моддалар) тартибини бошқаради. Бу чора ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш учун мажбурий назоратни таъминлайди.

-Мажбурий даволаниш (40-модда): Инспектор тиббий экспертиза асосида шахсни даволаниш муассасасига юбориш тўғрисида қарор чиқаришда иштирок этади.

-Маъмурий назорат (41-модда): Инспектор ҳисобда турган шахсларнинг жойи, иш жойи ва ҳаракатларини назорат қилади, бу процессуал мажбурловнинг энг муҳим шаклидир. Мазкур қонун профилактика инспекторининг фаолиятини процессуал мажбурлов чораларининг самарали ва инсонпарварлик асосида қўлланиши орқали такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. мазкур қонун профилактика инспекторини процессуал мажбурлов чораларининг "пулловчи" ва "ҳимоячи" ролига айлантириб,



уларнинг қўлланилиш фаолиятини тизимли, инсонпарварлик ва самарали қилиш орқали такомиллаштиради. Бу қонуннинг амалга оширилиши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимининг мустаҳкамлашувини таъминлайди. Хулоса сифатида тадқиқотда профилактика инспекторининг процессуал мажбурлов чораларини қўллаш фаолияти Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим бўғини эканлиги аниқланган. Амалдаги қонунчилик — Конституция, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Жиноят-процессуал кодекс, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ва «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунлар профилактика инспекторининг ваколатларини аниқ белгилаб, улар фаолиятининг қонуний, шаффоф ва мутаносиб тарзда амалга оширилишини таъминлайди. Тадқиқот давомида аниқланишича, мажбурлов чораларини қўллашда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳужжатлаштириш тартибига риоя этиш, суд назорати ва рақамли технологиялардан фойдаланиш каби талаблар соҳанинг асосий устувор йўналишларидан ҳисобланади. Профилактика инспекторлари жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, маъмурий назоратни амалга ошириш ҳамда хавфли вазиятларни бартараф этишда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шунингдек, жамоат хавфсизлиги концепцияси ва соҳани рақамлаштиришга қаратилган ислохотлар профилактика фаолиятининг самарадорлигини ошириш, жиноятчиликни камайитириш ва фуқаролар хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Тадқиқот натижалари профилактика инспекторлари фаолиятини янада такомиллаштириш, ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш ва амалий самарадорликни ошириш бўйича илмий-амалий асос сифатида хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати:

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi (янгиланган таҳрири, 2023-йил 30-апрел). Расмий матн: <https://lex.uz/uz/docs/-6445145> Манба: O‘zbekiston



Respublikasi Adliya vazirligi huzuridagi “Lex.uz” milliy huquqiy axborot tizimi.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида // Lex.uz. URL: <https://lex.uz/docs/5749291> (мурожаат қилинган санаси: 15.11.2025).

3. Богів Я. С. Административного змушення у діяльності органів державного управління // Наукові записки Львівського університету бізнесу та права. – 2022. – Вип. 32. – № 1. – С. 326–331.

4. Jiang Ming'an. Administrative Law and Administrative Procedural Law [M]. Beijing: Peking University Press, Higher Education Press, 2003.

5. Ниматов Ш. Н. ва бошқалар. Huquqbuзарликлар профилактикасида KPI асосида баҳолаш: субъектлар фаолиятининг интеграцияси ва самарадорлиги // Modern education and development. – 2025. – Т. 37. – № 2. – С. 214–225.

6. Проецессуал мажбурилов сораларининг аҳамияти // [Журнал мақоласи]. Journal-web.uz. – 2023. – URL: <https://journal-web.uz/index.php/07/article/view/803/761> (мурожаат қилинган санаси: 15.11.2025).

7. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-407-сон, 2016 йил 16 сентябрь // Lex.uz. URL: <https://lex.uz/docs/3027843> (мурожаат қилинган санаси: 15.11.2025).

8. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. 1994 йил 22 сентябрь // Lex.uz. URL: <https://lex.uz/docs/97664> (мурожаат қилинган санаси: 15.11.2025).



9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. 1994 йил 22 сентябрь//Lex.uz. URL: <https://lex.uz/docs/111460> (мурожаат қилинган санаси: 15.11.2025).

10. Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни (ЎРҚ-371-сон, 14.05.2014)

11. [Локал файл: 12070.pdf]. file:///C:/Users/USER/Downloads/12070.pdf

12. Қаранг: Ключниченко А.П. Меры административного принуждения, применяемые милицией. Понятие. Классификация. Системовыражение: учебное пособие. Киев: Киевская ВШ МВД СССР, 1975. С. 51.

13. Қаранг: Бочкарёв И.Е. Административно-предупредительные меры, применяемые милицией (по материалам органов внутренних дел Нижегородской области): дис. канд. юрид. наук. М., 2001. С. 45-46.

14. Қаранг: Коренев А.П. Административное право России: учебник. В 3-х частях. Часть 1. М.: Щит-М, 1999. С. 199.